

Oila va

www.ekogazeta.uz

@ekogazeta

ТАВІАТ

Ijtimoiy-siyosiy, ekologik

4-5
апрель



САМАРҚАНД
ИҚЛИМ ФОРУМИ -

ЭКОЛОГИК МУАММОЛАРГА
ҚАРШИ МИНТАҚАВИЙ

БИРДАМАЛИК МАЙДОНИ

Парламентлараро иттифоқ

ГЛОБАЛ ҲАМКОРЛИК ПЛАТФОРМАСИ



150 IPU ASSEMBLY
Tashkent, Uzbekistan 5-9 April 2025

Ўзбекистон яна бир йирик ҳалқаро анжуман мезбони сифатида ҳалқаро ҳамжамият дикқат-эътиборида турибди. Жорий йил 5-9 апрель кунлари Тошкентда Парламентлараро иттифоқнинг «Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати» мавзусидаги 150-юбилей Ассамблеяси бўлиб ўтади. Унда 180 мамлакат, 15 кузатувчи давлат, йигирмадан зиёд ҳалқаро ва парламентлараро ташкилотдан 2 мингга яқин юқори мартабали вакиллар иштирок этиши кутилмоқда.

DAVR NAFASI



O‘zbekiston va Yaponiya "yashil" transformatsiya
jarayonlarini amalga oshirish bo‘yicha hamkorlik qiladi.



Ўзбекистон
Республикаси
Президенти
Шавкат
Мирзиёевнинг
Самарқанддаги
«Марказий
Осиё - Европа
Иттифоқи»
биринчи
саммити олдидан
«Euronews»га
берган
интервьюсидан:

**«Марказий
Осиё бешлигида
Ўзбекистоннинг
раислиги даври-
да биз қуидаги
учта устувор
йўналишга
алоҳида эъти-
бор қаратамиз:
минтақавий
хавфсизликни
мустаҳкам-
лаш, иқтисодий
интеграцияни
чукурлашти-
риш ва экологик
барқарорликни
таъминлаш...»**

◀ 1-бет

Бу воқеанинг мазмун-моҳияти ва аҳамияти ҳақида сўз юритишдан аввал, келинг, дастлаб Парламентлараро иттифоқнинг қандай тузилма эканини билиб олайлик. Parliamentary Union деб аталувчи бу ташкилот 1889 йилда ташкил этилган халқаро парламент тузилмаси бўлиб, парламентлараро мулоқот учун энг йирик платформа – қулай ва хушмуҳит мулоқот майдони ҳисобланади.

Айни пайтда унга 181 давлат парламенти аъзо бўлган. Шунингдек, унинг ишида 15 минтақавий парламент бирлашмаси уюшган аъзо сифатида қатнашади.

Парламентлараро иттифоқнинг бош мақсади тинчлик ва халқлар ўртасидаги ҳамкорликка кўмаклашиш, вакиллик органларини мустаҳкамлашга қаратилгани билан халқаро миқёсда алоҳида ўрин тутади.

Бунда бир неча тамойилга амал қилинади. Аввало, барча мамлакатлар парламентлари ва парламент аъзолари ўртасидаги алоқаларни ривожлантиришга, ҳамкорликни мувофиқлаштириш ва тажриба алмашишни рағбатлантиришга эътибор қаратилади.

Шу билан бирга, долзарб халқаро масалалар бўйича ўз нуқтаи назарини билдириш, булар юзасидан парламентлар ва парламентарийлар даражасида қабул қилинадиган тегишли чора-тадбирларни қўллаб-куватлаш ҳам Иттифоқнинг дикқат марказида бўлади. Баъзан давлатнинг ва парламентдаги айrim фракцияларнинг турли нозик масалаларга қарашлари фарқланади. Буни тўгри қабул қилиш керак. Бундай ўринларда географик, этник, маданий, диний, конфессиявий мансублик ва бошқа омиллар бир-бирига ўйғун келавермаслиги мумкин.

Албатта, инсон ҳукуклари ҳимояси ва парламент демократиясини ривожлантиришни ҳар томонлама қўллаб-куватлаш доимо Иттифоқдаги муҳокамаларнинг асосий ва марказий масалалари бўлиб қолади. Бу табиий, негаки, ҳар қандай давлатда инсон ҳукуклари бўйича вакил – омбудсман парламентта қарашли институт саналади. Қолаверса, парламент демократияси мустаҳкам-

бўлmas экан, қонунлар самарадорлиги, энг муҳими, уларнинг устуворлигини таъминлаш ҳақида гапиришнинг ўзи ортиқча.

Айни пайтда бевосита парламентаризмнинг ўрни ва аҳамиятини янада мустаҳкамлаш, имконият ва салоҳиятини юксалтириш учун вакиллик органлари фаолияти ҳақида ги ижтимоий билимларни ошириш масаласи Иттифоқ учун ҳамиша долзарб саналади. Зоро, жамият аъзоси, яъни сайловчи парламентнинг мамлакат ҳаётидаги ролини аниқ тасаввур қилмас, у ҳақда етарли тушунчага эга бўлmas экан, халқ ноибини сайлашга ҳам, парламентаризмга ҳам ҳеч қандай қизиқиши билдирилмайди. Бора-бора бундай шахса вакиллик органига ишонч сўнади ва у ижтимоий фаол ҳаётдан четлашади.

Айримларни «Парламентлараро иттифоқнинг қандай зарурати бор?» деган савол ўйлантириши мумкин. Умуман олганда, бу тўгри ва табиий савол. Миллий парламентлар, БМТ каби тузилмалар мавжуд экан, бу иттифоқнинг қандай алоҳида жиҳати бор?!

Ҳар бир давлат жуғрофий жойлашув, иқтисодий қудрат, ҳарбий салоҳият каби омиллардан ташқари, нуфуси, аҳолисининг таркиби, зичлиги, жипслиги, анъаналари, урф-одатлари, қадриятлари, эътиқоди сингари белгилар билан ҳам ажralib туради. Шу боис кўп давлатларда ҳам қонунчилик палатаси, ҳам сенат тузилади. Қонунчилик палатаси одам сонига қараб тузилган сайлов округлари орқали шакллантирилса, сенат жуғрофий бўлинишга кўра таркиб топади. Бу орқали кўпчилик нуқул озчилик устидан ҳукм юритишининг олди олинади. Соддарок айтганда, оз нуфусли тумандан битта, кўп сонлисидан бир нечта депутат сайланниб турган пайтда, сенаторликка шу икки жойдан бир хил маңдат ажратилади. Натижада қонунчилик палатаси кўпчиликнинг босими билан тасдиқлаган, аммо аҳолининг озчилиги унга рўй-хоҳиш бермаган қонун сенатдан ўтмайди. Парламентаризмнинг мана шу олий адолат тамойилини дунёга татбиқ этадиган бўлсак, Парламентлараро иттифоқ ҳудди сенат каби ҳаётий зарурат экани осонгина англашилади.

Иттифоқ фаолиятининг сўнгги йилларда-

ги натижалари анчайин ёрқин тус олмоқда. 2018 йили БМТ Бош Ассамблеясининг «Бирлашган Миллатлар Ташкилоти, миллий парламентлар ва Парламентлараро иттифоқ ўртасидаги ҳамкорлик» деб номланган резолюцияси асосида **30 июнь - Халқаро парламентариzm куни** деб эълон қилинди.

2021 йилда эса, Парламентлараро иттифоқнинг 2022-2026 йилларга мўлжалланган янги стратегияси қабул қилинди, унда беш йиллик сиёсатнинг қуйидаги устувор йўналишлари белгилаб қўйилди – иқлим ўзгаришига мослашиш чора-тадбирлари, демократияни мустаҳкамлаш, инсон ҳукуклари билан боғлиқ масалалар, гендер тенглик, тинчлик ва хавфсизлик, барқарор ривожланиш.



**Демак, Итти-
фоқнинг фаолияти
бутун инсониятни
ташвишга solaётган
муаммолар ечимига
қаратилган. Яъни,
унинг интилишила-
ри ҳар бир алоҳида
давлат ва халқа-
ро ташкилотнинг
мақсадлари билан
ҳамоҳанг бўлиб,
Иттифоқ жаҳон ҳам-
жамияти билан ҳар
жабҳада ҳамнафас
ва муштарақдир.**

Бундан келиб чиқадики, минтақавий, халқаро ва глобал муаммоларга қарши курашиш, уларнинг олдини олиш, оқибатларини бартараф этиш ишларига фақат давлат ва ҳукумат раҳбарлари, БМТ ва ихтисослаштирилган бошқа халқаро ташкилотлар эмас, балки парламентарийлар ҳам бош қўшар экан.

Шу жиҳатдан Иттифоқнинг юбилей Ассамблеясига мезbon этиб айнан Ўзбекистоннинг танланишида чуқур рамзий маъно бор.



Самарқанд
иқлим
форумидан
**қандай
натижалар
кутилмоқда?**

Жорий йил 4-5

апрель кунлари «Silk Road Samarkand» мажмуасининг
конгресс марказида ўзбекистонд
да экология ва иқлим ўзгариши
соҳасидаги энг йирик тадбирлардан бири – Самарқанд иқлим
форуми бўлиб ўтади.

ФОРУМНИНГ АСОСИЙ МАВЗУЛАРИ

Тадбир юкори даражадаги мулоқотлар учун платформа бўлиб хизмат қиласи ва кўйидаги ихтисослаштирилган сессияларни ўз ичига олади:

• Яшил иқтисодиёт – барқарор ривожланишга йўл;

• Иқлим муаммоларига жавобан Марказий Осиёнинг биологик хилма-хиллиги ва табиий экотизимларини сақлаш;

• Яшил энергия: барқарор ва экологик ривожланиш асоси;

• Марказий Осиёда иқлим ўзгариши шароитида сув ресурсларини комплекс бошқарши;

• Ёшлар: келажакка оптимизм билан қараймиз;

• Барқарор шаҳарлар ва иқлим муаммолари: комплекс режалаштириш ва бошқарув;

• Иқлим ўзгаришига илмий ёндашувлар ва инновацион ечимлар: глобал муаммолар ва маҳаллий стратегиялар.

Форум доирасида, шунингдек, социалистик курилиш даврида ижтимоий ролларнинг ўзгариши ва атроф-муҳит ўзгаришлари ўртасидаги боғлиқликка қаратилган «Аёллар изидан оқаётган дарё» лойиҳаси кўргазмаси ҳам бўлиб ўтади.

Экология вазирилиги матбуот хизмати



Energiya samaradorligi milliy agentligi

tashkil etish to'g'risida Prezident farmoni
imzolandi.

Абдушукур ҲАМЗАЕВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги
Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси раҳбари



Ҳамкорлик платформаси



**Аввало, дунё
ҳамжамияти Ўз-
бекистон юқорида
санаб ўтилган
барча масалалар –
экологик барқа-
рорликка эришиш,
иқлим ўзгаришига
мослашиш, де-
мократия, инсон
ҳуқуқлари, гендер
тенглик, тинчлик
ва хавфсизлик,
барқарор ривож-
ланиш борасида
ўта илғор ва фаол
сиёsat юритиб,
ибрат бўладиган
даражада изчил ис-
лоҳотларни амалга
ошираётганини
тан олганликлари-
дан далолатdir.**

зилиб келаётган «Яшил макон» лойиҳаси, Оролбўйига дунё ҳамжамияти эътиборини қаратиш йўлидаги саъӣ-ҳаракатлар ва кўплаб бошқа мисолларни келтириш мумкин. Қолаверса, бошланган 2025 йил Ўзбекистонда Атроф-муҳитни асраш ва «яшил» иқтисодиёт йили деб эълон қилиниши ҳамда алоҳида давлат дастури амалга оширилаётганини Ўзбекистоннинг иқлими ўзгаришлари ва экологик муаммоларга қарши курашиш сиёsatининг ҳалқаро намунаси, дейиш мумкин.

Демократия, инсон ҳуқуқлари ва гендер тенглик масалаларни бир-бири билан узвий боғлиқ бўлгани учун Ўзбекистонда бу уч йўналишда комплекс чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Масалан, юртимизда аёлларнинг ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий фаоллиги ортиб бораётганини ўзгаришларнинг ҳар бирига мос келадиган самарали натижаларидан биридир. Хотин-қизларга эътибор фақат бунда эмас, бошлангич паллада ҳам намоён бўлмоқда. Бунга қизларимиз учун олий таълим соҳасида яратилаётган қулайликлар, уларни касб-хунар ўрганишга, спорт ва санъат мактабларига тобора кенг жалб қилиш борасидаги ишларни, Зулфия номидаги давлат мукофоти ва турли танловларни мисол келтириш мумкин. Бир вақтлар аёлларимизнинг механизаторлик, пахтакорлик, колхозчилик каби касблардаги ютуқларини санаган бўлсак, бугун матбуот ва телерадиода, ижтимоий тармоқларда кунда-кунора иш билармон аёл, раҳбар аёл, вазир ёки ҳоким аёл, тадқиқотчи аёл, қонун чиқарувчи аёл, офицер аёлга кўзимиз тушади ва бу гап муболага эмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз.

Шунга мос фикрни тинчлик, хавфсизлик ва барқарор тараққиёт масалаларига нисбатан ҳам айтиш мумкин. Ҳусусан, тинчлик ва хавфсизлик бир-бирига чамбарчас боғлиқ тушунчалар бўлиб, иккисини алоҳида тасаввур қилишнинг имкони йўқ. Шу билан бирга, мана шу иккى омилнинг мавжудлиги ва мустаҳкамлигини таъминламай туриб, барқарор тараққиётга эришиб бўлмаслиги ҳам аксиомадек гап. Фақат тинч юрт фаровон бўла олади. Аммо бу ўринда яна бир омил бор – бу ҳамкорликдир. Ўзбекистон кейинги йилларда стратегик шерик мақомидаги барча давлатлар, айниқса, қўшни ўлкалар билан муносабатларни мутлақо янги босқичга кўтариб, янгича асосда ривожлантириш йўлидан бормоқда. Буни куни кечга Тоҷикистоннинг Хўжанд шаҳридаги учта қўшни давлат раҳбарларининг учрашувидан ҳам кўришимиз мумкин. Ўзбекистон, Тоҷикистон ва Қирғизистон давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома ҳамда уч давлат раҳбарларининг қўшма декларацияси қабул қилингани минтақадаги иттифоқчилик

янада мустаҳкамланаётганидан далолат беради.

Бундай стратегик шериклик нафақат иқтисодий ва хавфсизлик жиҳатдан муҳим, балки минтақадаги экологик муаммоларга қарши биргаликда курашишда ҳам катта имконият яратади.

Биз бугунги куннинг энг оғир муаммоларидан бўлган экстремизм, терроризм, ақидапарастлик каби иллатларга қарши курашда ҳам олдинги сафда турибмиз. Бу курашимизга **жаҳолатта қарши - маърифат** шиори берилган. Қисқа вақтда Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотурий ҳалқаро илмий-тадқиқот марказлари, Ислом цивилизацияси маркази очилгани, улар буюк аждодларимизнинг асрлар оша долзарблигини йўқотмай келаётган меросини ҳалқимизга тақдим этиб, жаҳон ҳамжамияти олдида баралла тарғиб этётгани, юртимизда миллатлараро, динлараро, конфессиялараро бағрикенглик муҳити шакллангани ва мустаҳкамлиги ҳам инкор этиб бўлмас ютуқларимиздандир.

Мана шу ҳақиқатларни кўплаб йирик сиёсий арбоблар эътироф этётганига ҳаммамиз гувоҳ бўлиб келмоқдамиз. Парламентлараро иттифоқнинг Ассамблея учун Ўзбекистонни танлагани шундай юксак эътирофларнинг яна биридир. Бу қарор мамлакатимизда амалга оширилаётган демократик ислоҳотлар, парламентаризмни ривожлантириш йўлидаги саъӣ-ҳаракатлар самарадорлигининг жаҳон майдонида галдаги яққол тасдиғи бўлди.

Ушбу анжуман фақат Ўзбекистон эмас, бутун Марказий Осиё учун ғоят аҳамиятли воқеа бўлади. Негаки, у минтақамизда илк бор ташкил этилмоқда.

Ассамблея мавзузининг **«Ижтимоий тараққиёт ва адолат учун парламент ҳаракати»** деб белгиланиши Ўзбекистоннинг бугунги сиёsatига тўла мос келади, албатта.

Табиийки, ижтимоий тараққиётни таъминлашда ҳам, адолат тантанасига эришишда ҳам парламент ғоят муҳим ўрин тутади. У қабул қиласидан қарор ва қонунлар, унинг назорат борасидаги қатъий ва изчил амалиёти зотан шу мақсадларга хизмат қиласи.

Парламентлараро иттифоқнинг юбилей Ассамблеяси Ўзбекистон қонун чиқарувчилари ва хориждан келадиган парламентарийлар учун мавзудан ташқари кўплаб масалаларни ҳам ўртага ташлаш, ҳалқаро ҳамжамият кун тартибига қўйиш имконини беради. Айни мана шу жиҳати билан ушбу Ассамблея ҳалқаро миқёсда кўплаб масалаларга ечим топиш учун **глобал ҳамкорликнинг залварли платформасига** айланиши кутилмоқда. Анжуман Ўзбекистон ва жаҳон сиёsatи тарихига кенг имкониятларни очиб бериши шубҳасиз.



«Яшил»
энергетика ва
иқлим соҳасида-
ги лойиҳаларни
амалга оши-
риш Марказий
Осиёда «углерод
кредитлари»
бозорини ривож-
лантиришга
хизмат қиласи.
Бу механизм
корхоналарга
экологик тоза
технологиялар-
га инвестиция-
лар жалб қилиш
имконини бера-
ди, шунингдек,
углерод квота-
лари савдоси
соҳасида ҳалқа-
ро ҳамкорлик
платформасига
айланади...»



Келгуси сонда ўқинг

**ОЛИЙ МАЖЛИС
ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА
ЯНГИ ТУЗИЛМА:**

**Иқлим ўзгариши
оқибатларини юмша-
тиш, унга мослашиш ва
«яшил» иқтисодиётга
ўтишини тезлаштириш
масалалари комиссияси**

**Бу Комиссия
вазирларга
қандай
талабни
кўймокда?**



Мелбурн университети олимлари ва уларнинг ҳамасблари қитъалардаги ва ер остидаги чучук сув ҳажмининг сезиларли даражада камайганини аниқлади. Тадқиқот натижалари нуфузли «Science» журналида эълон қилинди.

ТАШВИШЛИ ТАДҚИҚОТ:

Ердаги чучук сув захиралари

КЕСКИН КАМАЙМОҚДА

Гидрология бўйича профессор Донгриол Рю ва унинг ҳамасбি Ки-Вон томонидан олиб борилган изланишларга кўра, глобал исиш тупрок, кўллар, дарёлар ва қор қопламидағи сув ҳажмини кескин камайтироқмода. Бу эса қишлоқ хўжалиги, ичимлик сув таъминоти ва денгиз сатҳининг кўтарилиши каби жиддий оқибатларга олиб келиши мумкин.

Олимлар маълумотига кўра, сўнгги 20 йил ичиди Ер тупрогининг намлиги 2000 гигатоннага камайган. Бу 2002-2006 йилларда Гренландия музлуклари йўқотган сув миқдоридан иккى баробар кўп. Шунингдек, илгари ҳар ўн йилда бир марта кузатиладиган кучли қурғоқчиликлар энди тобора тезлашмоқда. Дунё океани сатҳи кўтарилиши ва Ер кутубарининг географик ҳолатидаги ўзгаришлар ҳам шунга боғлиқ.

Профессор Донгриол Рю бу жараённинг янада ҳавфли оқибатларига эътибор қаратиш зарурлигини таъкидлайди. Унинг фикрича, қурғоқчиликдан кейин ҳаммабоп сув манбалари қайта тикланмайди, чунки тупрокнинг сувни ушлаб туриш қобилияти пасайиб кетган. Демак, келажакда одамлар сув ресурсларидан фойдаланиш усулларини тубдан қайта кўриб чиқмаса, вазият янада оғирлашиши мумкин.

Гидрология ва маълумотлар фани бўйича Потсдам универсiteti профессори Луис Саманего бу тадқиқот юзасидан фикр билдириб, Ер тебранишларини сайёрининг электротехнологиямасига ўхшатди:

«Бундай натижанинг аниқланиши юрак аритмиясини аниқлашга ўхшайди. Уни эътиборсиз қолдириш – худди шифокор қўрсатмаларига риою қўлмаслик каби ҳавфли», – деди у.

Эслатиб ўтамиз, аввалроқ олимлар агар музлукларнинг ҳозирги эриш суръати сақланаб қолса, XXI аср охирига келиб улар сайёрининг кўплаб минтақаларида умуман қўлмаслиги мумкинligини хабар беришган эди. БМТ маълумотларига кўра, музлуклар дунёдаги чучук сув захираларининг тахминан 70 физини ўз ичига олади. Улар барқарор иқлим шароитида деярли эримайди, аммо инсон фаолияти туфайли юзага келган глобал исиш натижасида уларнинг тезлиқда кисқариши кузатилмоқда.

Ўзбекистон учун қандай

ҲАВФ БОР?

Бу каби жараёнлар Марказий Осиё, жумладан, Ўзбекистон учун ҳам жиддий ҳавф тугдиради. Амударё ва Сирдарё сув ҳажмининг камайиши, ер ости сув захираларининг тикланмаслиги, қурғоқчилик ва чўлланиш жараёнларининг тезлашиши минтақада озиқ-овқат ҳавфсизлиги ва ичимлик сув таъминотига салбий таъсир кўрсатиши мумкин. Шунинг учун сув ресурсларини тежаш, самарали бошқариш ва иқлим ўзгаришига мослашиб бўйича кескин чоралар кўриш талаб этилади.

ОРОЛ ВА ДУНЬО



ОРОЛ МАДАНИЯТ САММИТИ: УМИД, МАДАНИЯТ ВА

ИЛАМИЙ ЕЧИМЛАР САРИ ЙЎЛ

Бир вақтлар сувлари тўлқинланиб ётган, ҳаёт ва ризқ-насибанинг манбаи бўлган Орол денгизи бутун саробга айланган. Лекин унга нисбатан ҳалқаро эътибор сусайганий ўйқ. 2025 йилнинг 4-6 апрель кунлари Самарқанд ва Нукус шаҳарларида бўлиб ўтадиган Орол маданият саммити бу ҳақиқатнинг ёрқин исботидир. Бу саммит нафақат маданият ва санъатни тадқиқ этиш майдони, балки экологик муаммоларни муҳокама қилиш ҳамда барқарор ечимлар таклиф этишининг глобал платформаси бўлиши кутимоқда.

Айсанем БЕГИМОВА,
ЎЭП Қорақалпогистон Республикаси
партия ташкилоти кенгаши раиси



ҚАЙТА УЙФОНАЁТГАН АСРИЙ МЕРОС

Оролбўйи экологик фалокати нафақат минтақавий, балки ҳалқаро муаммо ҳисобланади. Бир вақтла 68 минг км² майдонни эталонлаган Орол денгизи бутун 10 физи ҳажмда қолган. Бу жараён оқибатида 5,5 миллион гектар майдондан 100 миллион тоннадан ортиқ чанг ва заҳарли туз кўтарилимоқда. Атроф-муҳит ва инсон саломатлигига таъсири эса ниҳоятда жиддий.

Орол маданият саммити айнан шундай оғир шароитда умид ва ечимлар платформаси сифатида ўтказилмоқда. Унинг доирасида қўйидаги йўналишларда тадбирлар ташкил этилиши режалаштирилган:

– Экологик муаммолар ва инновацион ечимлар – ҳалқаро ва маҳаллий олимлар сув ва тупрок тадқиқотлари олиб боришади, барқарор ривожланиш учун янги технологиялар таклиф этилади;

– Маданият ва тарихий меросни сақлаш – асрлар давомида шаклланган ноёб маданий бойликларни ҳимоя қилиш ва оммалаштириш мақсад қилиб кўйилган;

– Орол мактаби – янги таълим платформаси сифатида экологик масалаларни фанлараро ёндашув билан ўрганиши ўйла қўйиш;

– Инфратузилма лойиҳалари – «Истиколол» маданият ва истироҳат боғи ва болалар кутубхонасини қайта тикиш.

ИНСОН ВА ТАБИАТНИНГ БОҒЛИҚЛИК ТИМСОЛИ

Хар бир экологик муаммо фақат таъиатга эмас, балки одамларга ҳам таъсир кўрсатади. Оролбўйида истиқомат қилаётган миллионлаб аҳоли сув таъминоти ва қишлоқ хўжалиги масалаларида катта қийинчилкларга дуч келмоқда. 80 физи аҳоли ичимлик сувни масоғдан ташиб келишга мажбур.

Саммит доирасида Оролбўйи тупрок ва иқлим шароитига мос бўлган қишлоқ хўжалиги экинларини ўрганиш мақсадида маҳсус лаборатория ташкил этилади. Бу илмий янгилик келажакда маҳаллий аҳоли ҳаётини яхшилашга хизмат қиласи.

Орол маданият саммити нафақат тарихий аҳамиятта эга анжуман, балки Оролбўйи минтақасининг келажагини шакллантиришга қаратилган стратегик ташабbusdir. Ушбу саммит глобал экологик муаммоларни ҳал қилиш, маданий меросни асрраб-авайлаш ва инновацион ечимлар яратишда муҳим ўрин тутади.

АМАЛИЙ ТАКЛИФЛАР

Саммит доирасида муҳокама қилинадиган экологик муаммолар бўйича аниқ амалий ечимлар ва стратегиялар ишлаб чиқиш зарур. Бунинг учун Оролбўйи экотизимиға оид илмий-тадқиқотларни молијлаштириш ва ҳалқаро мутахассисларни



жалб қилиш талаб этилади.

Оролбўйида экологик лойиҳаларни амалга ошириш учун ҳалқаро ва маҳаллий инвесторлар иштироқини таъминлаш муҳим. Саммит доирасида экологик стартаплар ва инновацион ғозларни таништириш мақсадида алоҳида бизнес-форум ташкил этилади.

Оролбўйидаги маҳаллий аҳоли саммитинг фаол иштироқчиси бўлиши керак. Улар учун ўқув семинарлари, иш ўринлари яратишга қаратилган дастурлар ва жамоатчилик ташабbuslari йўлга кўйилади.

Орол мактаби фақат маҳаллий ўқувчилар учун эмас, балки дунёнинг турли бурчакларидан келадиган экологик мутахассислар ва ёш тадқиқотчилар учун ҳам очиқ платформага айланади. Уни ҳалқаро илмий марказга айлантириш саммитинг доимий самарадорлигини таъминлаиди.

Саммит фақат илмий ва экологик тадбирлар билан чекланиб қолмайди. Оролбўйининг ноёб маданияти ва санъати орқали глобал экологик муаммоларга жамоатчилик эътиборини қаратиш мумкин. Бунга ҳалқаро кинофестиваллар, санъат кўргазмалари ва мусиқа тадбирларини ташкил орқали ёршилади.

Саммитда қабул қилинган қарорлар қозодза қолиб кетмайди. Уларнинг бажарилишини назорат қиласидаган мустақил мониторинг гурухи ташкил этилади. Оролбўйини қайта тикиш бўйича кўп йиллик ҳалқаро дастур қабул қилиш кўзда тутилмоқда.

Саммит доирасида Орол денгизини тикиш ва ҳудудни яшиллаштиришга қаратилган ўзқ муддатли ҳалқаро дастур қабул қилинади. Бу дастур БМТ, ЮНЕСКО, Бутунжоҳон Табиат Жамғармаси (WWF) ва бошқа ҳалқаро ташкилотлар билан ҳамкорликда амалга оширилади.

ҲАМКОРЛИК ВА ҲАЛҚАРО МУЛОҚОТ КУЧИ

Саммитта дунёнинг етакчи мутахассислари ва ташкилотлари жалб этилган. Бу нафақат илмий-тадқиқот ишлари, балки ҳалқаро ҳамкорлик ва грантлар жалб қилиш учун муҳим имкониятдир. Шунингдек, ҳудуддаги экологик муаммоларга жамоатчилик ва оммавий аҳборот воситалари эътиборини жалб қилиш орқали экологик маданиятни шакллантириш режалаштирилган.

Холоса қиласидаган бўлсақ, Орол маданият саммити биргина тадбир эмас, балки ўзқ муддатли ечимлар платформасидир. Бу фақат Оролбўйига тегишили эмас, балки бутун дунё учун ўрнак бўладиган лойиҳа. Чунки табиат ва маданият инсон ҳаётининг ажралмас қисмидир. Агар биз Оролни сақлаш ва тикиш учун ҳаракат қиласак, бу фақат Ўзбекистон эмас, балки бутун дунё учун муҳим ғалаба бўлади. Бу тадбир нафақат Оролбўйига баркарор ҳаётни қайтариш, балки инсониятни табиат билан уйғун яшашга ўргатишнинг илғор намунасига айланади.

О‘zbekiston Markaziy Osiyoda
birinchi bo‘lib Xalqaro volfram sanoati
assotsiatsiyasiga a’zo bo‘ldi.



Ўзбекистон
яна бир мұхим
тарихий воқе-
лик остона-
сида туриб-
ди. Саноқли
күнлардан
кейин Парла-
ментлараро
иттифоқнинг
150-юбилей
Ассамблеяси
илк бор Мар-
казий Осиёда,
юртимизда
үтказилади.



Нелли Касумба:

Тинчлик баркарор

Ўзбекистон
хар томонлама
муносиб
манзил
сифатида
танланди

«Парла-
мент аъзолари халқ
номидан сўз юритади.
Шу боис, уларнинг овози
кучли. Бу галги анжуман
ҳам дунё миқёсида ўз таъ-
сирига эга бўлган мұхим
муҳокамаларга бой
бўлади»



ZAMBIA

ЕКОЛОГИЯ



Бахтиёр ПҮЛАТОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,
ҮЭП фракцияси а'зозси

Иқлим муаммоларини ҳал қилишда

МУХИМ МЕХАНИЗМ

Бу мезонлик нафакат тарихий аҳамиятга, балки рамзий маънога ҳам эга. Яъни Ўзбекистонда сўнгги йиллarda амалга оширилётган ислоҳотларда ижтимоий тараққиётга интилиш, адолатли парламент тизимини такомиллаштиришга катта аҳамият қаратилмоқда. Шу боисдан ушбу мезонлик юртимизнинг эзгу тамоилларга содиқлигини яна бир бор исботлайди ва ҳалқаро даражадаги нуғузини янада мустаҳкамлайди.

Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси туркум йиги-лишларида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва камбагалликни қисқартириш, қонун устуворлигини таъминлаш, инсон ҳукуқларини ҳимоя қилиш, гендер тенгликни таъминлаш, илм-фан, технологияни ривожланишиш ва ёшларни кўллаб-кувватлаш каби долзарб масалалар мұхокама этилади. Бундан ташқари, иқлим масаласи ҳам кун тартибидан ўрин олган. Чунки бутунги кунда атроф-мұхитни мухофаза қилиш масалалари ҳалқаро даражада долзарб аҳамият касб этмоқда.

Таъқидлаш жоиз, давлатимиз раҳбари сўнгги йиллarda ҳалқаро минбарларда дунё эътиборини иқлим ўзғариши муаммоларига қаратмоқда. Ҳусусан, ўтган йили Бакуда бўлиб ўтган БМТ Иқлим ўзғариши бўйича конференциясида глобал иқлим ўзғаришлари оқибатларини биргаликда енгиг ўтиш максадида Ўзбекистон етакчиси қатор ташабbuslarни илгари сурган эди.

Жумладан, ривожланаётган мамлакатлар дуч келаётган иқлим хатарларини танқидий таҳлил ва молиявий баҳолаш учун етакчи давлатлар, кўп томонлама институтлар ва конвенцияларнинг техник ва молиявий кўмагини кенгайтириш максадида Иқлим туфайли ўйқотиш ва зарарларни баҳолаш бўйича ҳалқаро марказ таъсис этиш тақлиф

қилинди.

Атроф-мұхит ифлосланиши билан боғлиқ хатарларни қисқартириш, барқарор биохилма-хиллик ва трансчегаравий сув ресурслари масалаларида ягона ёндашувлар ишлаб чиқиш зарурлигини қайд этиб, давлатимиз раҳбари БМТ шафелигига Дарё экотизимларининг бутунлиги ва экологик ҳавфисзлигини таъминлаш соҳасида мажбуриятлар тўғрисидаги Декларацияни ишлаб чиқиш ташабbusini илгари сурди.

Шунингдек, Ўзбекистонда ўсимликларнинг иқлимга чидамлилигини ошириш учун Генетик ресурсларнинг минтақавий банкини ҳамда денгизга чиқиш ўйлига эга бўлмаган мамлакатлар учун БМТнинг инновацион агросаноат хабини ташкил этиш тақлиф қилинди.

Иқлим ўзғаришларидан зарар кўраётган мегаполис ва шаҳарларнинг барқарор ривожланиши ва яшаш учун қулай шароитлар яратиш соҳасида тажриба ва билим, энг яхши амалиётлар трансфери учун Жаҳон иқлим пойтахтлари алянсини ташкил этиш ҳамда унинг биринчи форумини Тошкентда ўтказиш ташабbusi билдирилди.

4-5-апрель кунлари Самарқандда Ҳалқаро иқлим форуми ўтказилиши ҳам Ўзбекистоннинг иқлим муаммоларини ҳал қилиш борасидаги позицияси қатъий эканлигини кўрсатиб туриби. Шу билан бирга, юртимизда углерод, нейтраллигига эришиш ҳалқаро марказ таъсис этиш тақлиф

бўйича кенг миқёсдаги ислоҳотлар олиб борилмоқда. 2030 йилгача ҳавога иссиқхона гази чиқариши учдан бир қисмга камайтириш реjalashriilgan. Бу мажбуриятлар 2050 йилга қадар янада кенгайтирилади. «Яшил» энергетика улуши 40 фоизга етади. Бу чора-тадбирлар, албатта, глобал иқлим ўзғариши оқибатларини юмшатиш йўлидаги мұхим қадам ҳисобланади.

Ўз навбатида Олий Мажлис Қонунчилик палатасида ҳам иқлим ўзғаришлари масаласи кун тартибидаги мавзулада бирига айланган. Ҳусусан, Иқлим ўзғариши оқибатларини камайтириш ва «яшил» иқтисодиётга ўтишини тезлаштириш масалалари бўйича комиссия ташкил этилган. Мазкур комиссия томонидан турли ташабbuslar илгари сурилмоқда, кўкаламзорлаштиришни ошириш, дарахт экиш каби экологияни яхшилайдиган жараёнларга амалий ҳисса кўшиб келинмоқда.

Парламентлараро иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси долзарб масалалар билан бир қаторда иқлим ўзғариши, экологик муаммоларга ечим излаш борасида ҳам мұхим платформага айланади. Ассамблеяда экологик инқизозларни юмшатиш, нафакат Марказий Осиё минтақаси, балки бутун дунё учун даҳлор ҳисобланган атроф-мұхитни мұхаммоларини бартараф этиш борасида қилиниши керак бўлган мұхим чора-тадбирлар белтилаб олиннишига ишонамиз.

«Яқин беш ишлда қайта тикланувчи энергия манбалари улушкини 54 фоизга етка-зиши режа-лаштирганмиз. Бу иссиқхона газлари чиқиши қарийб 16 миллион тоннага қисқартириш имконини беради ва Ўзбекистон Париж келишуви дорасида иссиқхона газлари чиқиндисини 35 фоизга камайтириши бўйича ўз зиммасига олган мажбуриятларнинг муддатидан олдин бажарилишига имкон беради...»



Нелли Касумба:

Тинчлик баркарор

Ўзбекистон
хар томонлама
муносиб
манзил
сифатида
танланди

«Парла-
мент аъзолари халқ
номидан сўз юритади.
Шу боис, уларнинг овози
кучли. Бу галги анжуман
ҳам дунё миқёсида ўз таъ-
сирига эга бўлган мұхим
муҳокамаларга бой
бўлади»

Тошкентда бўлиб ўтиши кутилаётган Парламентлараро иттифоқнинг 150-Ассамблеяси муносабати билан пойтахтимизга ташкилотга аъзо давлатлар парламентлари вакиллари ва нуғузли меҳмонлар ташриф буюришни бошлади.

Мамлакатимизга Парламентлараро иттифоқ ижроия қўмитаси аъзоси, Замбия Миллий Ассамблеяси спикери Нелли Касумба ташриф буюрди.

– Бу менинг Ўзбекистонга илк ташрифим, – деди Н.Касумба. – Бу ерда бўлиш мен учун шараф.

Ушбу ассамблеяning асосий мавзууси – тараққиёт ва ижтимоий адолатни ривожланишишdir. Чунки парламентларнинг вазифаси – фақат қонунларни қабул қилиш ва назоратни амалга ошириш эмас, балки парламент дипломатияси орқали глобал жараёнларга таъсир ўтказиш ҳамdir.

Бундай кент кўламли тадбирни ўтказиш учун тинчлик барқарор Ўзбекистон ҳар томонлама муносиб манзил сифатида танланди. Бу, мамлакатингизда давлат раҳбари бошчилигида амалга оширилётган ислоҳотлар, демократик жараёнларни ривожланишишдаги сабъ-ҳаракатлар юксак баҳоланаётганини ҳам кўрсатади.

Сир эмаски, дунё бўйлаб кўплаб зиддиятлар мавжуд. Шундай бўлса-да,

биз аъзо давлатларнинг етакчиларини мулокот қилишга ундаймиз. Чунки фақат мулокот орқали ҳар иккى томон манфаатларини ҳисобга олган ҳолда келишувга эришиш мумкин.

Можаролар ва урушлар оқибатида энг кўп азият чекканлар – болалар ва аёллар. Шу боис, биз тинчлик йўлида биргаликда фаол ҳаракат қилишимиз зарур.

Бу галги асосий муҳокамалар ҳам айнан шунга қаратилади. Ишончим комилки, фақат ҳамкорлик ва тинч мулокотлар қилиш орқали биз кўпроқ натижаларга эриша оламиз. Тинчлик бор жойда эса ривожланиш амалга ошади.

Норгул АБДУРАИМОВА,
ЎЗА



О'zbekiston va Qozog'iston neft-gaz
sohasida hamkorlikni kengaytiradi.

Ўтган асрнинг сўнгига келиб экологик хавфсизлик масаласи миллий ва минтақавий чегаралардан чиқиб, глобал муаммо туслини олди. Аҳоли сони ошиб бориши баробарида табиий ресурсларга бўлган эҳтиёжнинг ортиши, фан ва техника, саноат корхоналарининг жадал ривожланиши, қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришида кимёвий дорилар кўлланилиши атроф-муҳитта, инсон саломатлигига, ўсимлик ва ҳайвонот оламига, атмосфера ҳавосига, сув ҳавзаларига, ер ости сувларининг табиий айланиши ва тупроқ ҳолатига салбий таъсирини кўрсатмасдан қолмади.

Давлат экологик экспертизаси **НИМА?**



Саноат корхоналаридаги фильтрлаш тизимлари, яъни тозалаш курилмаларининг талаб даражада ишламаслиги ҳам улардан чиқадиган зарарли моддалар миқдори кўпайишига шароит яратмоқда. Атмосфера ҳавосига чиқарилаётган минглаб тонна ташланмалар йиллар давомида ёмғир, қор, шамол ва бошқа омиллар таъсирида тупроқ қопламига тушиб, кимёвий ифлосланиш даражаси кўтарилишига олиб келди.

Экологик экспертиза эса мана шундай ҳаётгай заруратдан келиб чиқиб ташкил килинган мұхим фаолият хисобланади.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиши ташкил этиш бўйича ваколатли орган Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни мухофаза қилиш давлат қўмитаси ҳисобланаб, давлат экологик экспертизаси қўмита таркибидаги ихтисослаштирилган эксперт бўлинмалари томонидан амалга оширилади.

Бу хизмат ҳозирги глобаллашув даврида долзарб аҳамиятта эга. Бинобарин, экологик экспертиза деганда режалаштирилаётган ёки амалга оширилаётган хўжалик ва бошқа хил фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини белгилаш ҳамда экологик экспертиза обьектини рўёбга чиқариш мумкинлигини аниқлаш тушунилади.

Саноат корхоналарини давлат экологик экспертизасидан ўтказиш мажбурий талаб хисобланади.

Атроф-муҳитни баҳолаш жараённида, биринчи навбатда, инсоният соғлигига, шунингдек, атроф-муҳитнинг таркибий қисмлари бўлган ер, ер қаъри, тупроқ, ер усти ва ер ости сувлари, атмосфера ҳавоси, озон қатлами, флора ва фауна ҳамда шу каби бошқа табиат омилларига салбий таъсиrlар ўрганилади. Яъни, экологик экспертиза прогноз қилинадиган хўжалик ва бошқа фаолиятни амалга ошириш ҳақида қарор қабул қилишгача бўлган босқичда ушбу фаолиятнинг экологик талабларга мувофиқлигини, атроф табиий муҳитнинг ҳолатига ва

фуқаролар соғлигига салбий таъсири кўрсатаётган ёки таъсир кўрсатиши мумкин бўлган экологик хавф даражасини аниклайди.

Давлат экологик экспертизасини ўтказиш учун 30 календарь кун мобайнида ҳақ тўлғанмаган тақдирда (аввал 90 календарь куни), Экология вазирлигининг ихтисослаштирилган эксперт бўлинмаси давлат экологик экспертизасини ўтказишга тақдим этилган материалларни буюртмачига қайтаради.

Сир эмаски, саноат корхоналари, хўжалик маший хизмат корхоналари ўзларининг иш жараёнида атроф-муҳитга маълум даражада таъсир ўтказади, яъни газ, суюқ ва қаттиқ ҳолдаги чиқиндишларни чиқаради. Бу чиқиндишлар йиллар давомида тупроқда, сувда ёки атмосфера ҳавосида ҳаракатланиб туради. Айни шу жиҳат эътиборга олинган ҳолда кейинги вакътларда экологик экспертиза хуносасини бериша маший ва курилиш чиқиндишлари учун мўлжалланган ҳолатларга ҳам катта эътибор берилмокда.

Саноат корхоналаридан чиқадиган чиқиндишлар таркибида турилган моддалар, асосан, олтингутурт оксидлари, азот оксидлари, углерод оксидлари, оғир металлар атмосфера ҳавосига, умуман, тириклик дунёсига ўз салбий таъсирини кўрсатиши мумкин. Шунинг учун саноат корхоналарига янги, замонавий, кам чиқиндили технологияларни олиб кириш ҳамда атроф-муҳитга чиқадиган чиқиндишларнинг камайишига ҳаракат қилиб, тоза экологик шароитни яратишимиш керак.

Экологик экспертиза эса бизга ана шу имкониятни тақдим этишда катта ёрдам беради.

Ўғилой МАМАТХОЛИҶОВА,
Гулистон тумани адлия бўлими
Давлат рўйхатидан ўтказиш ва
руҳсат беруви
хужжатларни расмийлаштириши
хизматларини
курсатиш шўбаси раҳбари



300 тонна чиқинди

**Ўзбекистон бўйлаб ҳудудларни ҳар куни шунча
миқдорда чиқиндидан тозалаш мумкинми?**

Экология, атроф-муҳитни мухофаза қилиш ва иқлим ўзгариши вазирлиги ҳамда унинг ҳузуридаги Чиқиндишларни бошқариш ва циркуляр иқтисодиётни ривожлантириш агентлиги томонидан Тошкент шаҳрининг «Янги ҳаёт» тумани «Янги Чоштепа»

МФЙ ҳудудида 30 март куни «Чиқиндисиз дунё» ҳалқаро куни муносабати билан ўтказилган оммавий плагинг эко-акцияси хайрли ишнинг бошланиши бўлди. Акция тезда Қорақалпогистон Республикаси ва вилоятлар марказларига ҳам кўчди.

Экология вазири ўринбосари Искандар Қутбиддинов жамоатчилик эътиборини атроф-муҳитни чиқиндишлардан тозалашга қаратиш ва буни тарғиб қилиш орқали бундай акциялар доирасини кенгайтириш мумкинligини таъқидлади.

«Чиқинди билан ифлосланиш бугунги кунда бутун дунёда долзарб муаммолардан бирига айланмоқда. 2050 йилга келиб 308 млрд тоннагача чиқинди хосил бўлиши тахмин қилинмоқда, шунинг учун атроф-муҳитни чиқиндишлардан тозалаш, уларни қайта ишлаш масаласига жиддий эътибор қаратиш лозим. Бундай акциялардан мақсад белгиланган ҳудудни тозалаш билан бирга жамоатчилик эътиборини белгиланмаган жойларга чиқинди ташламаслик ва уларни тозалашга қаратиш, экологик маданиятни юксалтириш, табиатни озода сақлашни тарғиб қилишdir», – деди вазир ўринбосари.

Экология вазирлиги бўлим бошлиги Заррина Абдуллаева эса акция учун нега айнан аҳоли турар жойлари танланганига изоҳ берди.

«Биз плагинг учун айнан аҳоли яшайдиган ҳудудни танлаганимиз бежиз эмас. Негаки ушбу ҳудудда бир нечта чиқинди кутилари бор, лекин инсонлар турли пластик идишлар, қоғозлар ва бошқа турдаги чиқиндишларни дуч келган жойга ташлаб кетишиган. Мазкур акция орқали жамоатчиликка ўзимиз яшайдиган ҳудудни чиқиндиҳонага айлантираслик, атроф-муҳитни озода сақлаш кераклигини яна бир бор уқтиришга ҳаракат қилдик. Умид қиласизки, энди аҳоли вакиллари чиқинди ташлаш борасида янада масъул ия ти - роқ бў-

лишади», – деди Заррина Абдуллаева.

Чиқиндишларни бошқариш агентлиги директори Шарифбек Ҳасанов эса юртимизда чиқинди хизматлари сифатини яхшилаш борасида кўплаб ишлар амалга оширилаётганини ва аҳолига санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш бўйича қамров даражаси йилдан-йилда ортиб бораётганини қайд этди.

«Юртимизда чиқинди соҳасида олиб борилаётган ислоҳотлар натижасида аҳолига санитар тозалаш хизматларини кўрсатиш бўйича қамров даражаси 60 фоиздан ошди. Шунингдек, соҳа электр энергияси билан биринчирилди ва бу кўп йиллардан бери ортиб бораётган дебитор қарздорликни бартараф этиш имконини берди. Қолаверса, соҳада шаффофлик ҳамда хизмат кўрсатиш сифатини оширишни таъминлаш мақсадида янги биллинг электрон тизими жорий этилди, – деди у. – Албатта, бу борадаги ислоҳотлар изчил давом этирилмоқда. Максад аҳолини қамраб олиш даражасини 100 фоизга етказиш ва чиқиндишларни иқтисодиётнинг ажралмас бўлагига айлантиришdir».

Акция давомида атроф-муҳит жами 1 тонна 124 кг чиқиндидан тозаланди. Якунда «Тозалик пособнолари» жамоаси биринчи ўринни (333 кг), «Полигончилар» жамоаси (176,55 кг) иккичи ва «Табият музейи» жамоаси эса (161,5 кг) учинчи ўринни эгаллади.

Якунда энг кўп чиқинди тўплаган жамоалар тақдирланди. Шунингдек, барча иштироқчиларга эсадалик совғалари ва ташаккурномалар топширилди. Акция давомида республика бўйича жами 3 минг нафарга яқин иштироқчи томонидан 58 та ҳудуд (150 гектарга яқин) 349,8 тонна чиқиндидан тозаланди.

Экология Вазирлиги матбуот хизмати





Ҳар йили 1 апрель – Ҳалқаро қушлар куни сифатида нишонланади. Шу куни қушларнинг экотизим учун қанчалик муҳим жонзотлар эканини кенг тушунтириш ҳамда уларни асраб-авайлашга йўналтирилган тарғибот ишлари олиб борилади.

КАНОТСИЗ ? ҚУШ ҲАҚИДА ЭШИТГАНМИСИЗ ?

Шундай тадбирлардан бирни куни кече University Business of and Sciense университети талаба-ёшлари орасида ташкил қилинди. «Кушлар бизнинг дўстимиз» шиори остидаги тадбирда экологик мутахассислар, экофаол ёшлар ҳамда ОАВ ходимлари иштирок этилди. Ёш авлод ҳузурнида бу каби жонни мулокотларни уюштириш уларга қушларнинг турлари, ҳаёт тарзи, биосферадаги аҳамияти ва роли, инсонлар ҳаётидаги аҳамиятини англатишга ёрдам беради. Кушларнинг «Қизил китоб»га кирилган, йўқолиш хавфи остидаги турларни мухофаза қилишга ундиши.

Талабалар ўзлари учун зарур бўлган маълумотларга эга бўлиши. Қушлар ҳақидаги ўзларини қизиқтирган саволларга мутахассислар томонидан жавоб олиши. Айниқса, қушлар ҳақидаги қизиқарли фактлар кўпчиликнинг ҳайратини янада ошириди.

- Бугунги кунда қушларнинг 10694 тури аникланган.
- Туяқуш тухумини қайнатиб пишириш учун 1,5 – 2 соат вакт керак

бўлади.

- Дунёда умуман қанотлари бўлмаган ягона қуш бу – киви.
- Қушларнинг тана ҳарорати одамнига нисбатан 7-8 даражага юқори бўлади, лекин улар терламайди.
- Парвоз пайтида лайлаклар ерга кулаамасдан ухлаб олишга қодир.
- Дунёдаги энг кичик тухумни қўнғир қуши қўяди.
- Қушларнинг патлари унинг суюкларидан оғирроқ.
- Қушларнинг юраги парвоз пайтида дакиқасига минг марта, дам олиш пайтида эса 400 марта уради.
- Ҳажми бўйича энг катта қуш 2 метрдан ошадиган түяқуш, энг оғир қуш – дудаки қуши.
- Дунёда заҳарли қушларнинг 6 тури мавжуд.
- Чумчук энг «ақлли» қуш ҳисобланади, 100 грамм чумчук массасига 4,5 грамм мия тўғри келади.

Фарҳод АЛИМЖОНОВ,
University business of and sciense
университети ўқитувчisi

... ana shunaqa gaplar ➤

О‘zbekiston Koreya bilan
атроф-мухитга та’sirni baholash
sohasida hamkorlik qiladi.

САБОК



Кунларнинг бирида акам талаба дўстлари билан пахта даласига бориб, ёввойи ўтларни кетмон билан чопиб юришганида олдиларидан учта каттакон тухум чиқиб қолибди. Ҳудди қушнинг уясига ўхшаб кўринибди уларга.

Сал нарироқда ўрдакка ўхшаш қуш худди хавотир олаётгандек ўёқбу ёққа тинмай айланаркан. Уларга тухумлари олдига келаётган лекин болалардан чўчиб келишга кўркиб тургандек кўринган. Ораларида шўҳроқ ўтқир деган дўстлари тухумларни чўнтагига солиб она қушга ҳазил қилмоқчи бўлиди.

– Кўрайлик-чи, балки узоқроқса олиб бориб кўйсак, топа олармикан? – деб шумлик қилмоқчи бўлиби. Лекин акам бунга чидаб тура олмай сеқин бориб домласига айтиб берибди. Ўқитувчининг роса аччиғи келибди. «Бу ишинг тарбия кўрмаган одобисиз болаларнинг ишига ўхшайди», – деб танбеҳ бериби. «Дарров олган жойингга қўйгин», – деб тухумларни жойига кўйдирибди. Талабалар ҳам ишларини тез якунлаб, ўша жойдан узоқлашган экан, она қуш уясига келиб тухумларини обдан текширатганини узоқдан кўришибди.

Дам олиш вақти ўқитувчи ҳамма талабаларни йигиб, бир воқеани айтиб берибди:

– Бу воқеа болалигимда юз берган. Қишлоқда бувим бўларди. Уларнига борганимда қўшни боланинг килган шумликлари ҳалигача ёдимда. Унинг исми Ихтиёр бўлиб, мендан анча катта синфа ўқириди.

У мактабни ёмон кўргани учунни, бир-икки соат ўқиб уйига кетиб қоларди. Уларнинг томида капитар уялари жудаям кўп эди. Тухум қўйганларида капитарларнинг тухумларини алмаштириб кўйяди. Бу ишига кўшни кичкина болаларни ҳам қизиқтириб кўйганди. Нарвонни ёқдан-бу ёққа судраб, тухумларни алмаштириб кўйиш жараённада баъзи тухумлар синиб ҳам кетарди. Аввалига нима бўлаётганини фаҳмламай узоқ кузатдим. Қарасам, синган тухумлар ичидаги қип-қизил гўштга ўхшаб капитар полапонлари ётарди. Кўз ўнгимда юз берган қотиллик эди бу. Мен табиаттан кўнгли бўш бўлганим учунни, бу воқеа ҳали-ҳануз эсимдан чиқмайди.

Халлослаганимча бувимнинг олдига чопдим. Бувим сигирларга қарётган эдилар. Ҳовлиққанимча бор гапни айтиб бердим. Бувим ҳам кўзларига ёш олиб Ихтиёрга танбеҳ берди. Онаси ҳам айти. Одаси ҳам Ихтиёрни роса уриши. Лекин бу ишларни қўйган-қўймаганини аниқ билмайман. Эшишишмча, уйда ҳеч ким йўқ пайтлари нарвонни у ёқдан-бу ёққа судраб қушларга озор бериб юаркан.

Орадан йиллар ўтиб, ўша бола улфайиб улланиби. Лекин ҳали-ҳанузгача фарзанд кўра олгани йўқ.

Унга ҳамроҳлик қилиб, билмаган ҳолда тухумларни синдириб, полапонларни нобуд қилиб юрган болакайнинг эса фарзандлари ҳали түғилмасданоқ нобуд бўлавериби. Балки бу болалиқда қилган гунохлари учун жазодир, яна билмадим. Баъзан уларга болалиқдаги қилмишларини юзига айтиб ташлагим келади, лекин айтольмайман. Ўзлари ҳам аллақачон қилмишларига яраша жазо ўташаётгандарини билишса керак, деб ўйлайман. Табиатдаги барча тирик мавжудотларга озор беришга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ. Балки тили йўқдир, балки уларга қилинаётган озорлар учун қонунда белгиланган жазолар енгилроқдир, бироқ ҳар бир қилмиш бу дунёда ҳам, у дунёда ҳам жазосиз қолмай, хисоб-китоб қилишини ҳеч қачон унумтнаглар, – деб домламиз жониворларнинг лаънатига учрамаслигимиз учун эсада қоларли сабоқ берди...

Акам ҳозир мактабда математикадан дарс беради. Лекин дарс орасида жониворларга озор бериш мумкин эмаслигини эслатиб ўтишини ҳеч қачон канда қилмайди.

Мунисахон МАМБЕТСОЛИЕВА,
Тўртқўл туманидаги 45-умумий
ўрта таълим мактаби ўқувчиси



Agrobank

МОЛИЯВИЙ КЎМАГИ

аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартиришга йўналтирилмоқда

«Агробанк» акциядорлик тижорат банки томонидан Бухоро вилоятида «Бир контур – бир маҳсулот» тамойили асосида амалга оширилаётган ишлар ўрганилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2025 йил 17 январдаги «2025 йилда аҳоли бандлигини таъминлаш ва камбағалликни қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш мақсадида Агробанк раҳбарияти Бухоро вилоятининг Пешку, Ромитан, Фиждувон, Вобкент, Шоғиркон ҳамда Бухоро туманларида олиб борилаётган амалий ишлар билан яқиндан танишмоқда.

«Бир контур – бир маҳсулот» тамойили доирасида Агробанкка биринчирилган маҳаллаларда ҳар бир ҳудуднинг табиий ва иқтисодий шароитларига мос лойиҳалар, жумладан:

- аҳоли томорқаларида ихчам иссиқхоналар ташкил этиш;



Aloqa markazi: **1216** Batafsil: [@agrobankuz_bot](https://t.me/agrobankuz_bot)

- қулупнай етишириш бўйича микролойиҳалар;
- қунгабоқар, қарам ва эрта ҳосил сабзи етишириш лойиҳалари;
- шунингдек, иситиш воситалари ишлаб чиқариш лойиҳалари амалга оширилмоқда.

Худудлардаги учрашувлар давомида маҳалла банкири ва агентлари билан учрашувлар ўтказилди. Суҳбатлар чоғида кичик бизнес вакилларини, энди фаолият бошлиётган тадбиркорлар, хусусан, аёллар тадбиркорларигини кўллаб-куватлаш, уларни молиявий хизматлар, кредитлар билан таъминлаш бўйича ёрдам кўрсатилмоқда. Уларга зарур маслаҳатлар, янги иш ўринлари яратиш бўйича тушунтиришлар берилди.

Агробанк Матбуот хизмати